

25-август

Хўжайли тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар Н.Сапаев бир томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан ва «BEKBAU STROY» МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар Р.Сапаров иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан, Хўжайли ТТБга қарашли "Айбек" ҚОП иморатини жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қулланилади:

**Ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

**Вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**Беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Хўжайли ТТБга қарашли "Айбек" ҚОП иморатини жорий таъмирлаш буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг 2022 йил 23-август кунги қарори электрон баённома (Лот №137319) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан 15% ҚҚС- 83478260,87 (саксон уч миллион тўрт юз етмиш саккиз минг икки юз олтмиш сўм, 87 тийин) сўм билан, Хўжайли ТТБга қарашли "Айбек" ҚОП иморатини жорий таъмирлаш буйича қурилиш ишларини бажариш учун 640 000 000 ( олти юз қирк миллион ) сўмни ташкил этади. (Пудратчи Р.Сапаров)

5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа узгартирилганда.

6. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг кучи ва (ёки) жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- 1-иловага мувофик қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссик оват билан таъминлаш;

- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик биналардан бушатиш;

- қурилиш майдонини қуриклашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофик, ҳар ҳисобот ойнанинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим, акс ҳолда ҳисобот ойда 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориди Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартириш қиритмайди. Агарда ўз хоҳиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

#### V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиҳа смета ҳужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бироқ давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнанинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

## VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» узаро ҳисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблаглари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати Пудратчининг ҳисоб рақамига шартнома бўйича умумий қийматининг аванс пуллари келиб тушган кундан сунг 30 (уттиз) кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс утказди, қолган 70 % маблаг топширилган иш ҳажмининг бажарилишига мувофиқ(ҳисоб-фактура, далолатнома асос) тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

19. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

20. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

21. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

22. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

23. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

24. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бандида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

25. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

28. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

29. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан амалга оширади.

30. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома буйича Буюртмачига беради.

31. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

32. Пудратчи узи томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

33. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

34. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

35. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

38. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

39. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиб тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## IX. Ишларни куриклаш.

40. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган курилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

42. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан қу вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай қоралар курилишини муҳаққа қиладилар.

44. Агар томонлар 2 ой ичида қелиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

45. Қурилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ қалолатномасини беради.

Буюртмачи қуриилши тугалланган объектни Қавлат қабул қомиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

47. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 қун олдин мазкур шартноманинг V булимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган тарқибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши қерак.

48. Иншоат Қавлат қабул қомиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Қафолатлар.

49. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қурсатилган сертификацияларга, қавлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли қаврида аниқланган қамчиликлар ва нуксонларни уз вақтида қартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли қаврида аниқланиб, улдар қартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имқонини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат

муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз хисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларнитекшириб чиқиш «Давархитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш.**

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан 1 ойдан қура вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қурайдиган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қурадиган даражада бузилганда;

қурун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қурилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қурун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бирой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига қулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур қурум қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга ётқазилган зарарни, шу жумладан бой берилган қурилади қулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қурилмайди, қурун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган қурилатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қурунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

### **XIV. Томонларнинг қуриқий жавобқарлиги.**

58. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:  
иккинчи томонга ётқазилган зарарларни қурилади;

Ўзбекистон Республикаси Қурилатлик кодексига, «Қурилатлик қурилатлик субъектлар фаолиятининг шартномавий-қурилатлик базаси қурилатлик» ги Ўзбекистон Республикаси Қурунида, бошқа қурун хужжатларида қурилатлик мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобқарликка қурилатлик.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган қурилатлик бир қурун учун

мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофиқ объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ булмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Нукустуманлараро иктисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар.**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз бирон-бир учинчи (шаҳс) томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

68. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини узаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш деб ҳисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

69. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сакланиб қолиниши шарт билан мустақил амалга оширилади.

70. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

71. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

72. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

73. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

74. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзолаганиб ҳудудий газначилик бўлинмаларидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

75. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик қучга эгадир.

### **XVII. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар**

76. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилинмасликка келишиб оладилар.

77. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши буйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

78. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (қелажакда бу турдаги ҳаракатлар амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

79. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳар қандай вақт ва шаклда қуйдаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга ҳилоф равишда олинадиган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдан олинаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантирилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг қиммат қарашлилигини яширишга; д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат буйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

80. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш буйича музокаралар олиб боришда, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибютерлар, ҳуқуқшунослари, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги ҳаракатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий ҳаракатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва



O.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: TF4725241037  
 коррупциявий ҳаракатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;  
 уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати  
 доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга конунчилик доирасида амалга оширган  
 хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга  
 оширмаслик.

81. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар  
 тамонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари  
 ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийк ўтказилмаслигини кафолайдилар.

82. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 79 ва 80- бандларида  
 белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу  
 ҳақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар  
 қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.  
 Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф тамонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича  
 оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалар ҳақида хабардор  
 қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

**XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

**БУЮРТМАЧИ:**


Хўжайли Тумани Тиббиёт Бирлашмаси  
 Манзили: Хўжайли тумани, Хужайли  
 қучаси р/з уй  
 Банк: МБББ\_ХККМ Ташкент ш.  
 Х/Р:23402000300100001010  
 МФО:00014 ИНН:200395026  
 Х/р:100022860352367072130054022  
 ОКЭД:86100 ОКОНХ 91511  
 Хужайли Тумани Газначилик бўлими

**ПУДРАТЧИ:**

ООО "ВЕКБАУСТРОЙ"  
 Манзили:Хужайли Тумани , Хужайли  
 қучаси ракамсиз уй  
 Тел/Факс: +99893-363-35-35  
 ИНН: 305837654  
 Банк: Кишлоққурилишбанк Нукус ш.  
 р/с: 20208000400938545001  
 ОКЭД:41202. МФО: 00588  
 Ҳис:100022860352367072120054009

Раҳбар  Н.Сапасв

Раҳбар  Р.Сапаров



[[QR]]	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	undefined
	Imzolangan sana	undefined
	Hujjat kodi	undefined
	Hulosa kodi	undefined



11-сонли шартномага  
ИЛОВА

Коррупцияга қарши қоидаларининг  
**АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Хужайли Тумани Тиббиёт Бирлашмаси ва ООО «ВЕКБАУ СТРОУ» ходимлари ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

- пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;
- товламачилик қилиш;
- пора сифатида пул тўлаш;
- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.


2. Агар шартнома бўйича бир Томон (Хужайли Тумани Тиббиёт Бирлашмаси) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

- Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган 1203-рақамли ишонч телефони;
- Телеграм-канали (“@QRKQGAК\_bot”).

ТОМОНЛАР:

Бажарувчи:  
ООО «ВЕКБАУ СТРОУ»


Р.Сапаров  
(Ф.И.О.)



Буюртмачи  
Хужайли Тумани Тиббиёт  
Бирлашмаси  
Н.Сапаев

(Ф.И.О.)

(имзо)





Хожели Районлық медицина бирлеспеси “Хожели районлық медицина бирлеспесине караслы куп тармаклы шанараклык поликлиника имаратында агымдагы ремонт жумысларын амелге асырыу бойынша таңлау комиссиясы”ның ен жақсы уынысларды таңлап алыу бойынша откерилген 137319-санлы лот бойынша мәжлис баянламасы

2022-жыл “ 25 ” август

Хожели Районы

Катнасыушылар  
Комиссия баслығы  
Комиссия ағзалары

(Ф.И.Ш)  
Н.Сапаев  
К.Ембергенов  
Д.Юсупова  
Ж.Алламбергенов  
Ж.Ешимбетов

(Лаўазымы)  
Бас шыпакеи  
Улыума экономикалык ислер бойынша Бас шыпакеи орынбасары  
РМБ Бас есапшысы  
Хожалык ислери менгериушиси  
Бас Инженер

#### КҮН ТӘРТИБИ:

Хожели Районлық Медицина Бирлеспеси - Таңлап алыу комиссиясы баслығы Н.Сапаев мәжлисте таңлау комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам катнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлау комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги мағлыұматларды усунды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыулар хақкында»ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапық ен жақсы усынысларды таңлап алыу откерилиуи хақкында арнаулы информацион порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлау катнасыушыларының кабыл етиу мүддети тамамланыуынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрепинен жеке кабинети аркалы жайластырылган 2022 жыл 15 август күни №137319-санлы лот бойынша 2022-жыл 23-август күни 137319-санлы электрон баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыулар хақкында»ғы Нызамы талапларына хәмде жокары көрсетилген мағлыұматларды есапка алып Таңлау комиссиясы

#### ҚАРАР ЕТЕДИ:

1. Хожели районлық медицина бирлеспесине караслы Айбек АШП имаратында ремонт жумысларын амелге асырыу ушын өткерилген таңлап алыуда таңлау хужжетлеринде хәм таңлау шәртлери бойынша ен жақсы шәртлерди усунған хәм таңлап алыу женимпазы деп табылган "BEKBAY STROY " ЖШЖ 640 000 000 сум менен шартнама дузилсин.

2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыу шәртлери тийкарында шәртнама дүзиуден бас тарткан жағдайда шартнама дүзиу хукукы кейинги катнасыушы (резерв) етип, " ЧП БРИГАДИР " ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимпаз катнасыушы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шәртнама дүзиу мүмкинлиги белгилеп койылсын.

3. Нызам талапларына мууапық таңлау катнасыушыларының усынысларын көрип шығыу хәм бахалау мүддети усыныслар беріу тамам болуынан 10 (он) күнинен асып кетиуи мүмкин емеслиги мағлыұмат ушын кабыл етилсин.

4. Мекеменин есапшысы - Д.Юсуповага таңлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хәмде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информацион порталына (etender.uzex.uz) жайластырыу тапсырылсын.

5. Таңлау комиссиясы хаткери (Д.Юсупова), усы таңлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте сакланыуын тамийнлесин.

Катнасыушылар  
Комиссия баслығы

(Ф.И.Ш)  
Н.Сапаев

(Лаўазымы)  
Бас шыпакеи

Комиссия ағзалары

К.Ембергенов

Улыума экономикалык ислер бойынша Бас шыпакеи орынбасары

Д.Юсупова

РМБ Бас есапшысы

Ж.Алламбергенов

Хожалык ислери менгериушиси

Ж.Ешимбетов

Бас Инженер

## **XOJELI RAYONÍÁDILLIK BÓLIMI YURIDIKALÍQ XÍZMET KÓRSETIW ORAYÍNÍN YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDÍN NÍZAM HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDAGÍ HUQÍQÍY JUWMAGÍ**

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 29.06.2021-jılgıPQ-5168-sanlı qararı menentastıyqlanǵan “Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayları haqqında”ǵı Rejege tiykarlanıp, Xojeli rayonı medicina birlespesiniń TF4725241037-sanlı hújjet joybarın huqıqıy ekspertizadan ótkerilgende tómendegiler

### **ANÍQLANDÍ:**

- I. Joybar túri:** Shártnama
- II. Joybardıń ataması:** 11-sanlı Pudrat shártnaması.
- III. Joybardıń mazmunı:**Shártnama joybarında 137319-lot boyınsha Xojeli rayonı medicina birlespesi hám “BEKBAY STROY” JShJ ortasındaǵı jámi 640 000 000 (altı júz qırıq million) sum múǵdarındaǵı 11-sanlı pudrat shártnaması dúziliwi belgilengen.
- IV. Joybardı islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat:**  
Shártnama Xojeli rayonı medicina birlespesi tárepinen islep shıǵılǵan hám 2022-jıl 25-avgust kúni Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayına usınılǵan.
- V. Joybardıń nızam hújjetlerine muwapıqlıǵı:**  
Shártnama joybarın úyreniw dawamında, Ózbekstan Respublikası Puqaralıq kodeksiniń (Xojalıq shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydalar) 353-354 statyaları, (Pudrat shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydalar) 631-655, 666-685 statyaları, Ózbekstan Respublikasınıń 2021-jıl 22-aprel kúni “Mámleketlik satıp alıwları haqqında”ǵı 684-sanlı Nızamı, Ózbekstan Respublikasınıń 1998-jıl 29-avgust kúni “Xojalıq júritiwshı subyektlar iskerliginiń shártnamalıq-huqıqıy bazası haqqında”ǵı 670-I-sanlı hám Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2021-jıl 14-sentyabrdegi “Shártnamalıq qatnasıqlardı túpten jetilistiriw is-ilájlari haqqında”ǵı PF-6313-sanlı Pármanı hám de Ózbekstan Respublikası Ministrler Kabinetiniń 2022-jıl 20-may kúni 276-sanlı qararı tastıyqlanǵan “Mámleket satıp alıwların ámelge asırıw menen baylanıslı tártip qaǵıydaların shólkemlestiriw hám ótkeriw tártibi haqqında”ǵı Reje talapları tiykarında islep shıǵılǵanlıǵı anıqlandı.

Joqarıdaǵılardı esapqa alıp, huqıqıy ekspertizadan ótkeriw nátiyjelerine kóre

### **JUWMAQ:**

Xojeli rayonı medicina birlespesi hám “BEKBAY STROY” JShJ ortasındaǵı 11-sanlı Pudrat shártnaması ámeldegi nızam hújjetlerine muwapıq islep shıǵılǵan hám shártnamanı dúziw **maqsetke muwapıq dep tabıldı.**

**Yuridikalıq xızmet  
kórsetiw orayı bas yuriskonsultı:**

2022-jıl 26-avgust



**R.Tajibayev**